



Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлар тарихи

Камалова Шахзода Ойбек қизи,

ЎзМУ Тарих факультети 2-курс талабаси

Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлар тарихи ва уларнинг шаклланиш босқичлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Я.Ф.Фуломов, А. Асқаров, Копетдог, Смараканда, Афрасиёб, Сополлитепа, Жарқўтон, Сурхондарё, ЮНЕСКО, Бухоро, Хива, Кеш, Самарқанд, Қарши, Тошкент.

Аннотация: В статье описана история древних городов Узбекистана и этапы их формирования.

Ключевые слова: Я. Гуломов., А. Аскарлов, Копетдог, Смараканда, Афрасиаб, Сополлитепа, Жаркотон, Сурхандарьинская, ЮНЕСКО, Бухара, Хива, Кеш, Самарканд, Карши, Ташкент.

Abstract: The article describes the history of ancient cities of Uzbekistan and the stages of their formation.

Key words: Ya.Gulomov., A. Askarov, Kopetdog, Smarakanda, Afrasiab, Sopollitepa, Zharkoton, Surkhandarinskaya, UNESCO, Bukhara, Khiva, Kesh, Samarkand, Karshi, Tashkent.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришиб, жаҳон сиёсий харитасида муносиб ўз ўрин олганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Халқимиз кўлга киритган мустақиллик нафақат сиёсий онг, ижтимоий-



иктисодий ва маданий муносабатларда турли ғоявий-назарий таъсиридан ҳоли бўлган кенг маънода ҳар томонлама ўрганиш имконини берди. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик асослари, уни ҳосил қилган тарихий шароитлар, унинг омилларига таянган халқимизнинг шаҳарсозлик маданияти, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни масалаларини мавжуд бўлган маълумотлар асосида тадқиқ этиш, аниқлик ва ойдинликлар киритиш асосида ўрганиш тарих фанини муҳим вазифаси саналади. Халқимиз минг-минглаб тарихий йиллар мобайнида моддий ва маънавий соҳаларда эришган натижалари асосида илмий асосда ўрганиш марказ томонидан ўйлаб топилган “Коммунистик мафкура” жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олганлиги сабаб, уларни илмий асосда ўрганиш чекланганлиги маълум.

Асосий қисм

Ўзбекистон ҳудудида аҳоли томонидан қолдирилган аҳоли марказларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида олинган ашёлар қадимги даврдан бошлаб (мил. авв. VII асрдан бошлаб), шаҳарсозлик маданияти тарихи, илк давлатчилик тарихига оид моддий ва ёзма манбаларда қайд қилинган маълумотлар сероб, лекин, уларни объектив, тарихий хронология, қиёслаш ва умумлаштириш тарзда ўрганиш ҳозирги замон учинчи уйғониш даврида долзарб муаммолардан бири қилиб белгилаб олинган. Шу мақсадда аждодларимизнинг тарихий давр ва унинг тарихий босқичларида ҳаёт ва ижод уйғунлиги бўлган шаҳарлар тарихини мавжуд бўлган нашрларда қайд қилинган тарихий маълумотларни назарий-қиёсий таҳлил ҳамда аҳоли марказларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида олинган янги манбалар таҳлилидан ҳосил бўлган илмий хуласани умумлаштирган ҳолда ўтроқ зироаткор аҳолининг шаҳарсозлик маданияти соҳасида эришган зафарларини ўрганиш ва уни тарғиб қилиш, уларни авайлаб сақлаб келажак авлодга етказиш янги замоннинг долзарб



муаммолардан бири сифатида белгилаб олинди. Ўзбекистон вилоятларида марказ ва маҳаллий илмий марказлар ҳамкорлигида ташкил этилган экспедициялар ходимлари аجدодларимиз томонидан қолдирилган археологик ёдгорликларида кенг қамравли тарзда қазилма ишлари натижаларини асос қилиб олган нашрларда ахборот географияси кенг аҳамиятга эга бўлган бўлса ҳам суғорма деқончилик ва шаҳарсозлик маданиятига оид маълумотлар баъзилари ўз аҳамиятини сақлаб қолган бўлса, баъзилари эскирган, баъзиларига аниқликлар киритишни тақоза этади.

Албатта, тарихий давр ва унинг турли босқичларида кечган жараёнлар бир маромда бўлган эмас, шу сабабдан шаҳарсозлик маданияти тарихи ҳам ушбу жараёнларга боғлиқ бўлганлиги иқтисодий юксалиш ва инқироз ҳолатлари яққол кўзга ташланади. Бу ўринда шаҳарларни тарихий давр ва унинг турли босқичларида жамият тараққиётидаги мавқеси, иқтисодий ҳаёти, ишлаб чиқариш кучларининг зичлиги, ҳунармандчилик, савдо, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда ўрни, унинг ўзгариши каби масалаларни Бухоро, Хива, Кеш, Самарқанд, Қарши ва Тошкент шаҳарлари юбилейларига бағишланган халқаро конференция материалларида ўз маъносини топган.

XX аср ва XXI аср бошларида Ўзбекистон ҳудудларида бирқатор археологик эспедициялар аҳоли томонидан қолдирилган турар-жойларида кенг миқёсда олиб борилган қазилма ишлари натижасида ноёб ашёлар олинган. 1960 йилда Я.Ф.Ғуломов раҳбарлигида экспедицияси ходимларининг Афрасиёб ёдгорлигида олиб борган археологик изланишлар натижалари асосида Самарқанд(маҳаллий аҳоли талаффузида Смараканда, юнон манбаларида Марақанда)нинг ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан 1970 йилда Самарқанднинг 2500 йиллиги халқаро миқёсда ўтказилганини эсга олиш лозим. Афсуски, ўлкамизда қадимий шаҳарлар юбилейларини ўтказиш анъаналари 1997 йилгача давом этмаган. 1970 йилда Ўзбекистон



Республикаси Фанлар Академияси Археология институниг ташкил қилиниши ўлкамиз тарихий-маданий вилоятларида халқимиз томонидан қолдирилган маданий мерос объектларида кенг қамровли равишда археологик тадқиқотларни олиб бориш имконияти вужудга келган. Шаҳарсозлик маданияти ва у билан боғлиқ бўлган давлатчилик тараққиёти босқичларида инсонпарварлик анъаналари, бағрикенглик қадриятлари ва маданий мерос объектларини ўрганиш келажак жамиятини тез суръатлар билан ривож топишига имкон беради. Шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши, шаклланиши, унинг босиб ўтган тарихий йўлини халқаро юбилейлар ўтказилган шаҳарлар тарихи билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз томонидан “моддий ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида қарори”да моддий мерос, шу жумладан археология мероси объектлари, музей ашёлари ва коллекцияларни ҳамда маданий бойликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид конун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги махсус қарори ўз вақтида қабул қилинганлиги ахамиятлидир.¹

Ўрта Осиёни жанубий сарҳадида Копетдоғ олди ва Мурғоб дарёси атрофларини қамраб олган урбанизациянинг илк шабадалари А. Асқаровнинг Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Музрабод даштида аҳоли томонидан бунёд қилинган Сополлитепа аҳолиси пахса-хом ғиштдан тикланган уй-хоналарида акс этган.² Сополлитепа аҳолиси хунармандчилик ва лой бинокорлиги соҳасида амалга оширган маданий ихтиролари

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, “Ўзбекистон”, Т-1, 2017. – Б. 29., Ўзбекистон Республикаси президентининг моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида қарори”. Халқ сўзи газетаси. 20 декабр. 2018. –№263(7221).

² Асқаров. А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, Фан, 1973.



Ўзбекистон маданий-хўжалик марказларида ўтроқ ҳаёт ва суғорма деҳқончилик, шаҳарсозлик маданияти вужудга келиши ва ривожланишишига моддий ва маънавий асос бўлганлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Сополлитепа ҳажми жиҳатидан митти аҳоли маркази бўлса ҳам, уларни лой бинокорлиги билими асосида шаҳарлар сари қадам ташланган. Саполлитепа аҳолиси пахса-хом ғишт бинокорлиги билими мил авв XVII-XV асрларда давом этган. Сополлитепаликларнинг янги ворислари аҳоли сони ошганлиги, меҳнат қуроллари захираси чеклангалиги ва экологик захираси тугаганлиги боис, Шеробод дарёси юқори қисмида сувга сероб Бўстонсой ирмоғи соҳилига уланган баландликка келиб жойлашиб, навбатдаги манзилгоҳларга асос солганлар-ки, бу ёдгорлик Жарқўтон атамаси сифатида археологик ва тарихий адабиётларда ўрин олган.

Саполлитепа аҳолиси ота-боболари ватанини абадий ташлаб амалий тажрибаларини географик ўриндан келиб чиқиб, тўғрибурчак режаси шаклда икки қаторли пахса ва тўғрибурчакл девор билан тўрт томони девор билан ўраб олган ёдголикни бунёд қилганлар. Мудофаа ташқи девор бўйлаб тўғрибурчакли буржлар жойлашган бўлиб, улар аниқ мудофаа майдонни ҳосил қилган. Сополлитепа меъморий тузилиши жиҳатидан “Ном” формасини бўлиб, шаҳарсозлик маданиятининг айрим белгилар акс этган (Мудоқаа девор, аниқ худуд ўрни ва ишлаб чиқариш маркази). А. Асқаров Жарқўтан аҳоли маркази ҳажми (100га) арки ва шаҳристон, ибодатхонаси ва мукамал мудофаа тизими каби ҳолатларини назарга олиб, уни илк шаҳар сифатида қайд қилган.³ Худди жарқўтонликлар кад кеўтарган ёдгорлик ўзбек давлатчиликинг илк-шаҳар давлат сифатида сиёсий бирлашмаларнинг тарихий илдизларига асос бўлган. Жарқўтон ёдгорлигидан олинган материаллари, аҳолининг олиб борган хўжалик фаолияти тарихий санасини

³ Асқаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. –Ташкент, Фан, 1983.



аниқлаган тадқиқочи хулосасини назарга олиб, жарқўтонликлар тақдири қандай кечганли масаласида қуйидаги мулоҳазани қайд қилишни лозим топдик. Назаримизча, аҳоли зичлиги, меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш захираси чекланганлиги ва экологик захира талабга жавоб бермаган ҳолатини назарга олган “Қоҳин” кўшни худудлар сари миграцион сиёсатни олиб бориш ташаббускори сифатида майдонга чиқишига вазият тақоза этган. Бу масала бўйича тадқиқотчилар асарларида фикр-мулоҳазалари кузатилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент, “Ўзбекистон”, Т-1, 2017. – Б. 29.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори”. Халқ сўзи газетаси. 20 декабр. 2018. – №263(7221).
2. Асқаров. А.А. Сапаллитепа. –Ташкент, Фан, 1973.
3. Асқаров А.А., Абдуллаев Б. Джаркутан. –Ташкент, Фан, 1983.
4. Мамбетуллаев М.М. Раскопки оборонительных сооружений Хивы // Вестник ККО АН Уз. –Нукус,1992, Вып-4, – С.112-115 .
5. Вишневская О.А. Раскопки городище Кюзелигыр // АО 1978. –М.: Наука, 1979. – С. 544-545.
6. Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология Средней Азии. – Ташкент, Фан, 1990. – С.24-29.
7. Сулейманов Р.Х., Древний Нахшеб. Проблема цивилизации Узбекистан VII в.до.н.э - VII в.н.э. –Ташкент. 2000. – С.245.